



ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Аббосов Зафар Равшанович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши

хузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

zafar.abbosov.78@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6369614>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 17-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

одам савдоси, трансмиллий жиноятчилик, БМТ конвенцияси, Президент қарори, Жиноят кодекси.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада ҳозирги кунда бутун дунёда глобал авж олган одам савдоси жиноятлари ҳақидаги масалалари ёритилган. Хусусан, БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича» конвенциясини ратификация қилиниши, Бу борада Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида» қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши ўрганилган. Шунингдек, бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ушбу жиноят учун жавобгарлик ва жазо белгиланган. Одам савдоси жинояти бўйича қонунчиликда муаммолар бўлиб уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Инсон ва унинг ҳаёти қадимдан ҳамиша инсониятнинг диққат марказида турган асосий мавзу бўлиб келган. Дунёда яратилган барча қулайликлар ҳам аслида инсон манфаатини кўзлаб яратилган. Бироқ ХХI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Бу – терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишабозлик муаммоси, миссионерлар найранглари ва шу каби тараққиётга тўсқинлик қиладиган бошқа иллатлар. Тез ва осон йўллар билан бойлик орттиришга интилган, молудавлатга ҳирс қўйган одам ҳаётнинг нопок йўлларида юришга

одатланиб қолади ва охир оқибат жиноят содир этади. XIX асрнинг 70 – 80 йилларига келиб Европа давлатларида одам савдоси кескин ривожланди. Жаҳон иқтисодининг ривожланиши, транспорт соҳасидаги тараққиёт, маҳаллий ва давлатлараро — Европадан Америкага миграция жараёни одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг фаолиятини енгиллаштирди. XX асрнинг 80 – 90 йилларига келиб уюшган трансмиллий жиноят сифатида одам савдоси дунё миқёсида инсониятнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Мустақил



Ўзбекистонимизда одам савдоси жиноятларига қарши кураш ва фуқароларимизни ушбу жиноятлардан жабр кўришларини олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаган, “қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш даркор”¹ деган фикрлари асосида одам савдоси жинояти ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга² қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди. Шунингдек,

мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавfli кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди.

БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича» конвенцияси 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан, ушбу конвенцияни тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги ЎРҚ – 160 - сонли қонуни билан ратификация қилинган.

Бу борада 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги ПК911-сонли қарорнинг имзоланиши Ўзбекистонда бундай трансмиллий жиноятга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, хусусан ички ишлар идоралари зиммасига жуда катта масъулият юклади.

Республикамиз томонидан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят

¹ Каримов И.А.Эришган марралар билан чегараланмасдан бошлаган ислохатларимизни янги босқичга кўтариш — бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир.Ж.23.—Т.: «Ўзбекистон»2015.

² БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга.



кодексининг одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган 135-моддаси янги тахрирда ўзгартирилди³. Ушбу моддага кўра, Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилди. Агар ушбу ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган бўлса ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилди. Бу эса ўта оғир жиноят ҳисобланади.

Мазкур қонунлар қабул қилингандан сўнг ўтган давр мобайнида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида одам савдосига қарши курашишида самарали натижаларга эришилган бўлсада, афсус билан таъкидлаш жоизки, ҳали-ҳануз мамлакатимизда айрим шахслар жиноят содир этиш йўлига кириб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик йўли билан тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғайриқонуний манфаатлари йўлида фойдаланиб, баъзи бир оилаларнинг бошига кулфатлар келтириб одам савдоси билан шуғулланмоқдалар. Бунинг оқибатида айрим фуқароларимиз одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмоқда. Энг хавфлиси шундаки, одам савдоси ўзининг гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Дунё бўйича одам савдоси жинояти жабрланувчиларнинг кўпчилиги иқтисодий қийинчиликлар

мавжуд бўлган, яхши имкониятлар бўлмаган мамлакатлардан келишади. Бундан ташқари аёлларнинг заиф ҳолати ва улар учун маҳаллий меҳнат бозоридаги яхши имкониятларнинг мавжуд эмаслиги одам савдосига олиб келувчи кўшимча шароитларни туғдиради. Этник келиб чиқиш жиноятнинг ушбу тури демографиясида катта роль ўйнамоқда, чунки мижозлар ўзлари учун турли этник гуруҳларга мансуб аёлларни талаб қилмоқда. Масалан, Жанубий-Шарқий Европанинг жабрланувчиларини Жанубий-Шарқий Осиёдаги жинсий саноатда ишлаётганликларини, Африканинг жабрланувчиларини Европанинг жинсий саноатида ишлаётганликларини, Шарқий-Европалик жабрланувчиларини эса марказий Америка жинсий саноатида ишлаётганликларини кўриш мумкин. Бундай ҳодисалар натижасида вужудга келган жинсий эксплуатация мақсадларидаги одамлар савдосини жинсий эксплуатация соҳасидаги иқтисодий глобализациянинг ёрқин мисоли сифатида таърифлаш мумкин. Сўзсиз кўпгина мамлакатлардаги одамлар савдоси жабрланувчиларининг паст ўртача ёши хавотир соладиган тенденцияга айланмоқда.

Ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари қуйидагилардан иборатдир:

- ноқонуний миграция хавфидан беҳабарлик;
- одам савдоси жабрланувчилари эксплуатация қилинадиган мамлакатларда арзон ишчи кучи ва ноқонуний хизматларга талабнинг ошиши;

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й. (93-94-б).



–эксплуатация мақсадида одам савдоси катта даромад ва кичик хавфга эгалиги;
– уюшган жиноятчилик ва хуфиёна иқтисодиёт;

– коррупция;

–одамлар савдосига қарши кураш тўғрисидаги қонунларни қўллашдаги камчиликлар ва ҳоказолар.

Одам савдоси қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради: биринчидан, одамлар савдоси инсоннинг шахсий дахлсизликка бўлган ажралмас ҳуқуқларини поймол қилади; иккинчидан, одамлар савдоси одатда бир неча минтақаларнинг хавфсизлигига таҳдид туғдиради; учинчидан, бундай жиноятлардан олинадиган даромад гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи, қурол-яроғ контрабандаси, терроризм каби бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятларни молиялаштиришга хизмат қилиши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, дунё мамлакатлари бўйича асосан шахвоний ёки бошқа ғаразли мақсадларда ёлланган ёш қизлар ва аёлларнинг асосий қисми «Жонли товар» сифатида эксплуатация қилиш асосан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Греция ва Германия давлатларга юборилган. Одам савдосидан жабрланувчиларни эксплуатация қилишнинг асосий кўринишлари қуйидагилар:

– шахвоний хизматлар;

– ишлаб чиқариш фабрика ва корхоналарида меҳнат;

– қишлоқ хўжалигида меҳнат;

– уй-рўзғор ишлари меҳнати;

– мажбурий донорлик;

– мажбурий тиламчилик;

– мажбурий никоҳ;

– репродуктив вазифалар эксплуатацияси (сунъий оналик, мажбурий бола туғиш ва бошқ.).

Одам савдоси жиноятларини асосий турлари: мажбурий меҳнат, шахвоний хизматларга мажбурлаш, инсон аъзоларини трансплантант қилиш, чақалоқларни сотиш, инсонларни тиламчилик қилдиришга мажбурлаш учун уларни одамларни раҳмини келтирадиган даражада сунъий мажруҳ қилиш, мажбурий никоҳ ва репродуктив вазифалар эксплуатацияси (сунъий оналик, мажбурий бола туғиш) ва бошқалар. Одамлар савдоси жиноятлари асосан уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилади. Ушбу жиноий гуруҳлар асосан гиёҳвандлик моддалари, ўқ-отар қуролларни ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган ва чет элдаги уюшган жиноий гуруҳлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантирадilar. Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти бўлиб, уни содир этиш оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадilar, яъни сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш ва бошқалар учун объект бўлишлари мумкин, яъни улар жонсиз буюмларга тенглаштириладilar, жабрланувчилар асосан яшаётган давлатдан бошқа давлатларга транзит ва бошқа давлат чегараларидан ўтиш орқали сотиб юборилади, яъни ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади. Ўзбекистон



Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 14-моддасида тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, 15-моддасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар, 16-моддасида эса тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қабул қилинган қонуни мамлакатимизда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг одам савдоси жиноятларига қарши курашишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИБ таркибига кирувчиги соҳавий хизматлар фаолиятида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва очиш бўйича бир неча чора-тадбирлар белгиланган ва ички ишлар идоралари ходимлари олдида аниқ вазифалар қўйилган. Юртимизда одам савдосига қарши курашиш йўналишида Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимидаги соҳавий хизматлар, жумладан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи хизматларнинг ходимлари, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, «Интерпол» Миллий марказий бюроси вакиллар ўртасида мунтазам равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш тақозо этганлиги сабабли, 2020 йил 7 августда Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан янги тахрирдаги «Одам

савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди⁴. Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ушбу қонунининг қабул қилиниши одам савдосига қарши курашишнинг янги босқичига ўтишни белгилаб берди.

“Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги 23-сонли қарори қабул қилинди⁵. Ушбу концепциянинг 4-боб, 2-бандида “ёшларни одам савдоси, коррупция, турли зарарли ёт ғоялар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш” белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йилдаги ПФ-6155-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида кўра, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда АҚШ Давлат департаментининг глобал одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳисоботда Ўзбекистоннинг мавқеини

⁴ «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Янги тахир).07.08.2020 й.

⁵ Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” Концепцияси 18.01.2021 й.



яхшилаш мақсадида АҚШ томонидан тавсия этилган таклифларни амалга ошириш юзасидан аниқ чоратадбирларни олиб бориш, АҚШ Меҳнат вазирлигининг ҳисоботида Ўзбекистоннинг мавқеини яхшилаш бўйича ишларни жадаллаштириш, ҳукумат расмийлари ва АҚШ таҳлилтадқиқот марказлари Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатни чеклаш бўйича амалий ҳаракатлари тўғрисида кенг хабардор қилиш назарда тутилади⁶.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.02.2021 йилда “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди⁷.

Ушбу қарорга кўра, одам савдосидан жабрланган ёки жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотларнинг вазифаларини, идентификация қилиш, қайта йўналтириш ҳамда шахсий маълумотлар ноошкоралигини таъминлаш тартибини назарда тутувчи одам савдосидан жабрланган

ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Бундан ташқари ушбу қарор билан одам савдосидан жабрланган, шу жумладан, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини, мазкур шахслар билан якка тартибда ишлаш режасини ҳамда уларнинг мослашувига ёрдам кўрсатиш, шунингдек, одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш тартибини назарда тутувчи одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сон Қонунига мувофиқ одам савдосига қарши курашишга доир маълумотларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарори билан биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-

сон [Қонунига](#) мувофиқ одам савдосига қарши самарали курашишни таъминлаш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг жиноий

⁶ “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йилдаги ПФ-6155-сонли Фармони.

⁷ “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.02.2021 йилда Қарори.



фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ҳамда тегишли ахборотни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси яратилишини ташкил этиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ягона марказлаштирилган ахборот базасига маълумотларни онлайн режимида киритиш имкониятини ўз ичига олувчи одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини (кейинги ўринларда — ягона марказлаштирилган ахборот базаси) жорий этиш белгиланди. Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ягона марказлаштирилган ахборот базасидаги маълумотларни потенциал хавфлардан, тасодифий ҳаракатлардан ва ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлиги дастурий таъминотини ишлаб чиқиш белгиланди. Тўртинчидан, Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот базасини шакллантириш, унга маълумотларни киритиш ҳамда маълумотлардан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, одам савдоси муаммоси нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда. Шу боисдан, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган трансмиллий жиноятлар терроризм, одам савдоси ва бошқа жиноятларга қарши муросасиз курашишимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А.Эришган марралар билан чегараланмасдан бошлаган ислохатларимизни янги босқичга кўтариш -- бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир.Ж.23.--Т.: «Ўзбекистон»2015.
2. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й. (93-94-б) .



4. «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Янги тахрир).07.08.2020 й.
5. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” Концепцияси 18.01.2021 й.
6. “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2021 йилдаги ПФ-6155-сонли Фармони.
7. “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.02.2021 йилда Қарори.